O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **28** апрель, жума № **17** (2144).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **28** апреля, **2006** год, № **17** (2144).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор.

**Ислом КАРИМОВ**

## АЗАЛИЙ ДЎСТ ВА ЯҚИН ҲАМКОР

Ўзбекистон билан яқин дўст, ишончли ҳамкор бўлиб келган мамлакатлар талайгина. Уларнинг айримлари жуғрофий, айримлари миллий-маданий яқинлик туфайли, яна бирлари муштарак тақдир боис Ўзбекистонни ўзига яқин дўст ва ҳамкор санайди.

Ҳиндистон бизга тарихан ва маънан боғланган. Бу мамлакат цивилизация бешикларидан бири бўлганини, унинг қадимий фалсафаси ва бой маданиятини дунё эътироф этган. Шу билан бирга, Ҳиндистон улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳукмронлик қилган пайтларда ўзининг олтин даврини бошдан кечирганини ҳам барча яхши билади. Бу сулола ҳали-ҳануз ҳинд халқининг ардоғида, Бобурийлар мероси эса Ҳиндистоннинг фахру ифтихори.

Ўзбекистон–Ҳиндистон муносабатлари шуниси билан ҳам диққатга сазоворки, тарих чархпалаги қай йўсинда эврилмасин, икки ўртада алоқа узилмаган. Ҳали эркимиз қўлимизда бўлмаган даврда ҳам Ҳиндистон раҳбарлари неча бор Ўзбекистонга ташриф буюргани, Тошкентда ўтадиган халқаро кинофестивалнинг энг кўп сонли ва энг ардоқли қатнашчилари ҳам шу ўлка вакиллари бўлганини ёдга олиш кифоя.

Турли замонлар синовидан ўтган, халқларимизнинг азалий дўстлигига асосланган ўзаро муносабатлар истиқлол йилларида янги давр руҳида ривожлана бошлади. Ҳиндистон Ўзбекистон билан мунтазам олий даражадаги мулоқотларни йўлга қўйган мамлакатлардан биридир. Икки мамлакат раҳбарлари Деҳлида, Тошкентда, турли халқаро ташкилотлар анжуманларида учрашган, ўзаро муносабатларга доир масалалар ва долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 25 апрель куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида 26 апрель куни олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Бош вазири Манмоҳан Сингх шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Маросимдан кейин Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингхнинг яккама-якка учрашуви бошланди. Унда Ўзбекистон–Ҳиндистон муносабатларини янада ривожлантиришга, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқаларни кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилди.

Ислом Каримов Ҳиндистон Бош вазирининг ташрифи олий даражадаги икки томонлама мулоқотларнинг, жумладан, ўтган йилнинг апрелида Деҳлида ўтган Ўзбекистон–Ҳиндистон саммитининг узвий давоми эканлигини таъкидлаб, ушбу изчиллик ҳамкорликни ривожлантиришга икки давлатда ҳам иштиёқ кучлилигидан далолат беришини қайд этди.

Ҳиндистон Бош вазири Ўзбекистонга таклиф этгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, ушбу ташриф ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Суҳбат чоғида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши кураш масалаларига эътибор қаратилди. Томонлар ушбу мавзу муҳокамаси чоғида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Манмоҳан Сингх террорчиликка қарши кураш бўйича қўшма ишчи гуруҳи фаолияти такомиллашиб бораётганини қайд этдилар. Бу гуруҳ ўтган йил охирида Деҳлида мажлис ўтказган эди. Яқин кунларда Тошкентда унинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).



Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

*Сафларда юртимнинг асл норлари!*

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**

## ПОРЛОҚ ХОТИРАГА МАНГУ БОШ ЭГИБ

1999 йилнинг 15 январи. Бу кун кўпчиликнинг хотирасида бўлса керак. Юрт озодлиги учун жонини фидо этган фарзандлар номини, жасоратини ҳурмат билан ёдга олиш, руҳларини шод этиш мақсадида пойтахтимизда Хотира майдони барпо этилаётган пайтлар…

Қурилаётган мазкур ёдгорлик мажмуидаги ишларни кўздан кечирар экан, Президентимиз Ислом Каримов ғайрат камарини боғлашган бунёдкорларга йўл-йўриқлар, тавсиялар берди. Мажмуа айвонларини шарқона услубда безаш, миллий ўймакорлик усулида ишлов бериш борасида берган қимматли маслаҳатларини телевизор орқали кўриб, Юртбошимизнинг дидига, миллий ўймакорлик санъати борасидаги билимларига қойил қолганман.

Таъкидлаш жоизки, ўшанда давлатимиз раҳбари журналистларга интервью берар экан, бир ажойиб таклифни илгари сурганди. 9 майни Хотира ва Қадрлаш кунига айлантиришдек ғоятда олижаноб таклиф эди, бу. Бунинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини қуйидаги: «Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки бугун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур». «Қадрлаш деганда фақат уруш қатнашчиларига эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эҳтиромни тушунайлик. Шу маънода бу кун ўзига хос аҳамият касб этади» каби фикрлари билан изоҳлаб ҳам бердилар.

(Давоми 7-бетда).

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**



## ТЕМУРГА МУНОСИБ ТЕМУРИЙЗОДА

Биз Ўзбекистон мустақил бўлгунга қадар темурийлар салтанати ҳақида очиқ гапиришга журъат қилолмай келардик. Истиқлол шарофати билан Темур ва темурийзодалар шахсиятини ўрганиш ва ёритиш имконияти пайдо бўлди. Биргина Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»си тўлиқ нашр этилганлиги сабабли унда Ҳусайн Бойқаро авлодлари батафсил ёритилган, холос. Шу асар нашрининг ўзи ҳам катта тарихий ҳодиса эди. Негаки, Амир Темур авлодлари, уларнинг қариндошлик ришталари, туркий уруғларнинг бир-бирига боғланиш сабаблари, темурийларнинг сайидлар билан қариндошлиги Бобур тили билан равон тасвирланган. Темурийлар тож-тахт учун бир-бирлари билан қаттиқ талашган бўлсалар ҳам, қариндошлик ришталарини боғлашда анча меҳр-оқибатли эдилар. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий раҳбарлик қилаётган Ҳиротга деярли барча темурийлар интилиб яшадилар, Бобур ҳам сўнгги умидини Ҳиротга тиккан эди. Кейинчалик Шайбонийнинг асоратидан қутулган темурийлар Бобур давлатидан паноҳ топди. «Султон Ҳусайн мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким бир ишга машғуллуғи бор эди, ҳиммати ва ғарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай», деб Бобур ул замондаги меҳнат ва билим аҳлининг фазилатларини баён этади ва ўз давлатида шунга интилишга ундайди.

(Давоми 7-бетда).

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## ОЛАМ УЗРА ДОНҒИ КЕТГАН ХАЛҚИМ

Президентимиз Ислом Каримов «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоб берар экан, шундай деган эди: **«Илгари ҳам бир неча бор таъкидлаганимдек, ҳар бир халқ, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи бетакрордир. Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади… »**

Дарҳақиқат, дунё тамаддунида энг қадим миллат эканлигимизни тарихнинг ўзи кўрсатиб турибди. ЮНЕСКО га раҳбарлик қилган Федерико Майор ҳам бу борада тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтганди: **«Маданиятингиз илдизлари чуқур, сизлар довруқли ўтмиш маданиятингиз ва маънавиятингиз асосида дунё илм-фанидан баҳраманд бўлган ҳолда йўлингизни белгилаб тараққиётга интилмоқдасиз. Бу эса келажагингиз порлоқ ва буюклигидан далолатдир. Мен ўзбек деганда ўзига, ўз эркига ўзи бек деганини тушунаман. Ўзбек — ўзига ўзи устоз, ўзгаларга қарам эмас, озод ва мустақил деган маъноларни англатади».**

(Давоми 7-бетда).

26 апрель – Амир Темур ордени таъсис этилган кун

## ЮРТ КЎКСИДАГИ ИФТИХОР

**Амир Темур ордени таъсис этилганига ўн йил тўлди**

Олий унвон ва мукофотларда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, қадриятлари, миллий анъаналари, миллат ифтихорига айланган улуғ зотлар сиймоси акс этади. Мустақиллик йилларида юртимизда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ана шундай давлат мукофотлари, орден ва медаллари таъсис этилди. Улардан бири Амир Темур орденидир.

Соҳибқирон нафақат Ватанимиз ва миллий давлатчилигимиз, балки дунё тарихида ўз ўрни, мавқеи ва салоҳиятига эга буюк шахслардандир. Унинг ҳаёти, фаолияти, авлодларига қолдирган бой мероси асрлар оша халқимизнинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда. Буюк бобомиз раҳнамолигида яратилган бетакрор тарихий обидалар, осори атиқалар ҳанузгача темурийларга хос куч-қудрат, боқийлик тимсоли бўлиб келаётир.

(Давоми 4-бетда).




Муштарийларимизга

## ЯНГИ КУЧ, ЯНГИ НАФАС

Шу кунларда баҳорги чақирув бўйича муддатли ҳарбий хизматга чақирилган юрт ўғлонлари катта тантаналар билан қисм ва бўлинмаларда кутиб олинмоқда. Ёш аскарлар йиғинига жалб этилган тажрибали офицерлар, сержантлар уларнинг жанговар ҳаётга тезроқ мослашиши, юксак жисмоний, маънавий, интеллектуал куч талаб қиладиган аскарлик бурчларини муносиб даражада ўтай оладиган посбон бўлишлари учун жон куйдирмоқдалар. Энг муҳими, ҳарбий хизматга иштиёқи баланд, танловларда аскарликка энг муносиб дея топилган ўғлонлар устозларни мамнун этиб, саф тайёргарлиги, Умумҳарбий низомларни ўрганиш бўйича илк ютуқларни, муваффақиятларни қўлга киритишмоқда. Тантанали равишда Ҳарбий қасамёд қилишни, взвод ва бўлинмаларда ўз касби, лаёқати, қизиқишларига кўра хизмат бошлашни орзиқиб кутмоқдалар.

Ҳа, ўз халқи тинчлиги-осойишталигини сақлаш, муқаддас Ватанини ҳимоя қилиш йигит киши учун ҳар доим катта шараф, фахр-ифтихор рамзи бўлиб келган. Айниқса бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда юрт посбони бўлиш минглаб, миллионлаб ёшлар учун кўнгил ишига, юрак амрига айланиб қолгани қалбимизга чексиз қувонч бағишлайди. Юртпарвар, халқпарвар ўғлонлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани озод ва ҳур диёримизнинг нурли келажагига ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига қарата «Юртимиз тинчлиги, бахтли келажагини асраш, уни ёвуз кучлардан ҳимоя қилишдек масъулиятли ва шарафли вазифа сизларнинг зиммангизга юклатилган» деган эди. Қуролли Кучларимизнинг метин сафларига янги куч, янги нафас бўлиб қўшилган фидойи ўғлонлар эса ўзларига билдирилган юксак ишончни муносиб даражада оқлашга, бор имконият ва билимларини ишга солиб, ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишга, етук посбон бўлишга жиддий аҳд қилганлар. Садоқат, матонат, жасоратни ўзига шиор қилиб олган мард йигитларинг доим омон бўлсин,она Ўзбекистон!

**ТАҲРИРИЯТ**

## «ФУҚАРОЛИК БУРЧИ ВА ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Республика Олий Мажлис Сенати ҳамда Мудофаа вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбати шундай номланди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳукумат қарорларида белгиланган фуқаролик бурчлар ва вазифаларни, Қуролли Кучлар Умумҳарбий Низомларида белгиланган қоидалар тўғрисидаги билимларини ошириш, Парламентимиздаги қонунларни ишлаб чиқиш жараёнидан аскарларни хабардор қилиш мақсадида ташкил қилинган мулоқотда сенаторлар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳарбий мутахассислар ҳамда яқиндагина миллий армиямиз сафларига қўшилган аскарлар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўз маърузаларида Қуролли Кучларимиз сафига қабул қилинган ёш аскарларнинг ҳаётида ҳарбий қасамёднинг аҳамияти қанчалик муҳимлиги ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Суҳбат мобайнида, миллий армиямизни ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асосларига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш масалалари юзасидан ҳам фикрлар билдирилди. Давра суҳбати ҳақидаги батафсил маълумотлар билан газетанинг навбатдаги сонида танишасиз.

**Ўз мухбиримиз.**



3 АСКАР УЙИГА ҚАЙТМОҚДА — СУРХОН ЎҒЛОНЛАРИГА ОЛҚИШЛАР



6 «ШУНҚОРЛАР» — МАТОНАТГА ЕТАКЛАР ЎҒЛОНЛАРНИ



8 ТРАДИЦИИ — ЗАЖИГАТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО ТАНЦА



10 АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ — «НОМУС»

# ЮРТ КЎКСИДАГИ ИФТИХОР

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Истиқлол ўтмишимиз, аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, уларнинг бой маънавий меросига холисона ва ҳаққоний ёндашиш имконини берди. Кўплаб улуғ аждодларимиз сингари Соҳибқирон Амир Темур сиймосига ҳам муносабат ва қарашлар ўзгарди. У бугунга келиб миллат тимсолига, халқимизнинг фахру ғурурига айланди.

1996 йилда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди. Бу Ўзбекистоннинг, тарихимиз ва улуғ аждодларимизнинг яна бир жаҳоний эътирофи эди. Ана шу қутлуғ сана арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур ордени таъсис этилди.

Орден марказида Соҳибқироннинг от устидаги улуғвор қиёфаси акс эттирилган, тасвир остида эса, бобомизнинг ўз ҳаётида қатъий амал қилган шиор – «Куч – адолатда» сўзлари битилган. Айни пайтда бу ҳикмат нафақат улуғ бобомизнинг, балки бугунги давлатимиз сиёсатининг ҳам туб мазмун-моҳиятини ўзида ифодалайди.

Низомга мувофиқ, Амир Темур ордени билан давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга, давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга алоҳида ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланади.

«Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Қонунда қайд этилишича, фуқаролар билан бирга, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлинмалар, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий бирликлари ҳам мукофотланиши мумкин.

Тарихдан маълумки, Самарқанд ва Шаҳрисабз Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолиятида кенг ўрин тутган. У кўҳна Кешда таваллуд топиб, вояга етган бўлса, Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига айлантирган. Бу икки шаҳарнинг гуллаб-яшнашига, юксалишига алоҳида эътибор қаратган, етти иқлимга машҳур обидалар барпо эттирган. Уларда Амир Темур ва Темурийлар даврида қурилган тарихий ёдгорликлар бугун барча юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур, хорижлик сайёҳларда эса, катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотиб келади.

Мустақиллик йилларида ҳам бу шаҳарлар ўзгача чирой очди. Янги-янги иморатлар, замонавий иншоотлар уларнинг кўркига кўрк қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан, 1996 йилнинг 28 август куни Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарлари Амир Темур ордени билан мукофотланди.

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Андижон вилояти ҳам ана шундай юксак мукофот билан тақдирланган.

2004 йилнинг 13 июль куни юртимиз тарихида илк бор ўзбек ўғлони Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Унинг бу юксак ғалабаси Юртбошимиз томонидан муносиб баҳоланди – Рустам Қосимжонов Амир Темур орденига сазовор бўлди.

Бу йил мамлакатимизда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланмоқда. Зеро, асрлар ўтса-да, улуғ саркарданинг Ватан, халқ олдидаги улкан хизматлари ўз аҳамиятини йўқотмайди. Унинг улуғвор, покиза сиймоси барчамизни янгидан-янги зафарларга, ютуқларга ундовчи куч-қудрат манбаи, буюклик, ҳурлик ва мангулик тимсоли бўлиб қолаверади.

**Рустам ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

К 2000-летию города Маргилана

# ЖЕМЧУЖИНА ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Маргилан... Сколько поэзии в названии этого древнего и вечно молодого города! Когда произносишь его имя, то сразу вспоминаешь одну из самых ранних колыбелей человеческой цивилизации, крупнейший в стране центр по производству шелковых тканей, шумный базар с ароматами лепешек и плова, певучий говор добрых людей и их обращение даже к детям на «Вы».





Действительно, искусно сотканные здесь хан-атлас, бекасам, товус – тончайшие, легко проскальзывающие через колечко ткани – радуют глаз всеми цветами радуги. Платья и шали из них делают женщин неповторимыми. Маргиланский шелк во все времена прославлял этот город. Древние источники сообщают, что на Великом шелковом пути он был самым дорогим товаром, и поэтому его было выгодно возить в далекие Египет и Грецию, Индию и дальше.

И сейчас традиции ткачества достойно продолжаются, ежедневно здесь производятся сотни метров изумительной ткани, значительная часть которой уходит на экспорт и приносит государству твердую валюту.

А еще славится Маргилан своими тюбетейками. На них мастерицы любовно вышили перья голубя – птицы, символизирующей счастье, свободу и мир. Именно отсюда разлетелись по всей Азии эти четыре ферганских пера!

О тюбетейках, плове и лепешках в Маргилане существует много легенд, песен и шуток. Так, когда собираются четыре друга, то сразу решают: «Сделаем плов размером с тюбетейку!» И действительно, риса девзира, помещающегося в одну тюбетейку, хватает с излишком на всех. Еще здесь есть веселая традиция – провожая засидевшегося гостя, обязательно предложат отведать еще неприготовленного плова. А давнее сказание гласит, что въезжая в город, измученный жаждой Насреддин Афанди, завидев чайхану, всегда радостно кричал: «Эй, чайханщик! Мне лепешку и десять чайников чая!»

Да, в Маргилане любят юмор и острое слово. Но если без шуток, то этот щедрый край подарил человечеству много выдающихся личностей. Именно здесь прошло детство и сформировалось мировоззрение великого мыслителя, одного из основоположников исламского законодательства Бурхониддина Маргинони, который снискал уважение народа как «наставник на путь истинный».

В 2000 году по инициативе главы нашего государства его 910-летие широко праздновалось в нашей стране.

В своем романе «Бабурнома» Бабур отмечал, что Маргилан был знаменит фруктовыми садами, сладкими гранатом и урюком, утопающий в зелени, он был прекрасным местом отдыха караванов.

Можно долго перечислять, сколько замечательных артистов и поэтов, художников и писателей родилось и выросло в этом городе – Маъмуржон Узаков и Тамара Ханум, Джурахон Султанов и уста Олим Камилов... Но давайте поговорим о сегодняшнем дне древнего города.

После обретения Узбекистаном независимости древний Маргилан поднялся на новый виток развития. Здесь построены десятки административных и культурно-бытовых объектов. Духовным центром города стал мемориальный комплекс Маргинони. А прямо посредине махалли уютно раскинулись педагогический и медицинский колледжи. Величественная арка украсила городской парк имени Маъмуржона Узакова, достопримечательностью которого стала аллея знаменитых людей. Проложены новые улицы, разбиты сады и скверы, приведены в порядок оросительные системы.

На высокую орбиту развития город поднялся после Постановления Президента Ислама Каримова о праздновании 2000-летия Маргилана. Программы развития социально-культурной инфраструктуры и мероприятия по дальнейшему наращиванию производственных мощностей предприятий обрадовали не только маргиланцев, но и жителей всей страны.

Отрадно, что на 33-й сессии Генеральной конференции ЮНЕСКО было принято решение об участии этой организации в праздновании юбилея города. А это, по сути, признание международной общественностью исторического значения Маргилана, внесшего немалый вклад в мировую культуру.

Маргилан... В эти весенние дни он особенно трепетно красив, этот древний и вечно молодой город, бесценная жемчужина ферганского края!

**Рустам ШАГАЕВ, спец. корр. УзА.**

# МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИГА ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

## ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти,

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти,

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти,

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти,

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факультети – булар мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун юқори малакали офицерлар тайёрловчи, Ўзбекистон Республикасининг нуфузли ҳарбий билим юртларидандир.

## ҲАРБИЙ МАЪЛУМОТ ВА ФУҚАРОЛИК МУТАХАССИСЛИГИ

Билим юрти битирувчилари қуйидагиларга эга бўлиши мумкин:

– олий ҳарбий маълумот;
– олий маълумот тўғрисидаги диплом;
– Давлат таълим стандартига мос фуқаролик мутахассислиги.

## КИМЛАР КУРСАНТ БЎЛИШЛАРИ МУМКИН?

Билим юртларига ўқишга Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги фуқаролари қабул қилинадилар: ўн етти ёшдан йигирма бир ёшгача бўлган, шу жумладан ўқишга қабул қилинган йили ўн етти ёшга тўладиган фуқаролар, шунингдек ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш истагини билдирган, офицерлар таркиби ҳарбий унвонига эга бўлмаган, ўн саккиз ёшдан йигирма беш ёшгача бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий хизматга мажбурлар.

## ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР?

Билим юртига ўқишга кириш истагини билдирган шахслар ўқишга кириш йилининг 10 майигача яшаш жойидаги туман ёки шаҳар мудофаа ишлари бўлимига (муддатли ва контракт бўйича ҳарбий хизматчилар 15 майигача қисм командирларининг номига рапорт) ариза берадилар. Аризада (рапортда) фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили ва ойи, турар жойининг манзилгоҳи, ҳарбий билим юртининг номланиши кўрсатилади.

Аризага таржимаи ҳоли, иш жойи ёки ўқиш жойидан тавсифнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси, учта фотосурат (бош кийимсиз, 4,5х6 см ўлчовда) илова қилинади.

Паспорт ҳарбий гувоҳнома ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳнома, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси номзод томонидан ҳарбий билим юртининг қабул комиссиясига кўрсатилади.

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ЛОЙИҚЛИГИ

Тиббий кўрик, касбий-руҳий ва жисмоний тайёргарлик бўйича танлов Мудофаа вазирлигининг қабул комиссияси томонидан ўтказилади. Жисмоний қобилиятларнинг баҳоси қуйидаги параметрлар бўйича аниқланади:

– куч (турникда тортилиш, 9–13 марта);
– чидамлилик (кросс–3000 м, 12.00-13.30 мин);
– тезлик (югуриш–100 м, 13.8-14.8 сек).

## ДАВЛАТ ТЕСТ СИНОВЛАРИГА ТАЙЁРЛАНИШ

Билим юртига ўқишга кирувчилар тиббий кўрик, касбий-руҳий ва жисмоний танловлардан ўтганларидан сўнг 10 июль қуйидаги фанлар бўйича Давлат тест синовини топширадилар:

– математика;
– физика;
– она тили ва адабиёт.

## ЎҚИШГА КИРИШДАГИ ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги ПҚ-213-сонли Қарорига асосан олий таълим муассасаларига ўқишга кирувчи, ҳарбий хизмат даврида жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган муддатли ҳарбий хизматни тамомлаб, ўрнатилган шаклдаги тавсияномага эга бўлган фуқароларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сержантларининг мақоми тўғрисида»ги Қарорига асосан 5 йил давомида сержантлар таркиби лавозимларида бенуқсон хизмат қилган ҳарбий хизматчиларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади, ҳамда «Энг илғор сержант» танловининг республика босқичи ғолиблари олий ҳарбий ўқув юртларига танлов (конкурс)дан ташқари қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ўқувчилари ҳарбий касбга йўналтирилган лицейларнинг битирувчиларини қабул қилишда, улар тўплаган баллар сонига қўшимча энг кўп йиғиш мумкин бўлган баллнинг 5% миқдорини қўшиш йўли билан имтиёзли қабул шартлари берилади.



### ТОШКЕНТ ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ КИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?**

мотоўқчи ва чегара қўшинлари тактик қўмондонлиги;

қўшин разведкаси тактик қўмондонлиги;

мотоўқчи ва чегара қўшинларида тарбиявий тактик қўмондонлиги.

**БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:**

Тошкент ОУҚБЮ: 700052,
Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси, 2



### ЧИРЧИҚ ОЛИЙ ТАНК ҚЎМОНДОНЛИК-МУҲАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ КИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?**

танк қўшинлари тактик қўмондонлиги;

зенит-ракета қўшинлари тактик қўмондонлиги;

ҳаво-десант қўшинлари тактик қўмондонлиги;

зенит-ракета қўшинлари тактик муҳандислиги;

зирҳли танк қуроллари ва техникаси тактик муҳандислиги.

**БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:**

Чирчиқ ОТҚМБЮ: 702100,
Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 15



### САМАРҚАНД ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВТОМОБИЛЬ ҚЎМОНДОНЛИК-МУҲАНДИСЛИК БИЛИМ ЮРТИ

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ КИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?**

автомобиль бўлинмалари тактик қўмондон-муҳандислиги;

артиллерия тактик қўмондонлиги;

муҳандислик қўшинлари тактик қўмондонлиги;

кимёвий қўшинлар тактик қўмондонлиги;

ракета-артиллерия қуроллари ва ўқдорилари тактик муҳандислиги;

фронт орти таъминоти тактик қўмондонлиги.

**БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:**

Самарқанд ОҲАҚМБЮ: 700056,
Самарқанд ш., Спитамен шоҳкўчаси, 56



### ЖИЗЗАХ ОЛИЙ ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ БИЛИМ ЮРТИ

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ КИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?**

вертолёт авиацияси тактик қўмондонлиги;

учиш аппаратлари ва двигателларини эксплуатация қилиш;

учиш аппаратларининг авиация ва радиоэлектрон жиҳозларини эксплуатация қилиш;

учиш аппаратларининг авиация қуролларини эксплуатация қилиш.

**БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:**

Жиззах ОҲАБЮ: 700800,
Жиззах шаҳри, Ҳамроқул Носиров кўчаси, 3



### ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ МАХСУС ФАКУЛЬТЕТИ

**ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ КИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ?**

ўрта қувватли радиостанция ва коинот алоқа станциялари бўлинмалари командирлари;

кўп каналли, радиореле, тропосфера ва узоқ масофали алоқа бўлинмалари командирлари;

қўшинларни автоматлаштирилган бошқаруви ва махфий алоқа бўлинмалари командирлари;

ер усти разведкаси бўлинмалари командирлари;

радиолокация станцияси бошлиқлари;

радиотехник батарея расчёти бошлиқлари;

криптография хизмати мутахассислари.

**БИЛИМ ЮРТИНИНГ МАНЗИЛГОҲИ:**

ТАТУ Махсус факультети: 700099,
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 118.

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ



## ҲАФТА ГЎЗАЛИ

Нилуфархон Мирзахолова бетакрор диёримизнинг гўзал, латофатли қизларидан. Орзуси – ширинсухан нотиқ ва моҳир таржимон бўлиш. Шу боис ҳам доимий рукнимизнинг бу галги меҳмони юртимиздаги олий ўқув юртларидан бирининг аълочи талабаси мақсади сари дадил қадам ташламоқда.

Дарвоқе, Нилуфархон шеър ва турли мавзуларда мақолалар ёзишга қизиқади. Шунингдек, расм чизиш борасида ҳам машқлар қилиб туради.

Водийлик қизимизнинг фикрича, инсон бир хилликдан доим қочиши ҳамда ҳаётига (ёки жамият ҳаётига) янгиликлар олиб киришга интилиши керак. Чунки янгилик бу – тараққиёт демакдир.

«Ҳар кимда бўлгани каби менинг ҳам ютуқ ва камчиликларим бор. Лекин улар ҳақида гапиришни ёқтирмайман. Чунки холис баҳони атрофимдагиларгина бера олади» дейди у.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

## В МИРЕ РЕКОРДОВ

● В королевстве Бахрейн была зажжена самая большая в мире свеча. Длина положенной горизонтально свечи весом три тонны составила 73 метра, на ней насчитывалось 14 тысяч фитилей, подожженных присутствовавшими. Среди них была комиссия от Книги мировых рекордов Гиннесса. Гигантская свеча была отлита Обществом художеств из пожертвованных населением свечей.

● В Ирландии установлен мировой рекорд массового исполнения народного танца. Более восьми тысяч человек приняли участие в грандиозном шоу в культурной столице Европы 2005 года – городе Корк, расположенном на южном побережье Ирландии. В течении пяти минут 8371 человек одновременно исполняли популярный во всем мире ирландский танец – так называемый кейли-танец, который требует довольно больших нагрузок. Для размещения такого количества танцоров организаторы проекта соорудили семь гигантских сцен. Последний мировой рекорд массового исполнения ирландского танца был установлен в 1998 году в Дублине. Тогда, под звуки национальной музыки, в течение пяти минут танец исполняли 6791 человек.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ



Юртимизнинг мард, шерюрак ва довюрак ўғлонлари, асл ватанпарварларини ҳар қанча мадҳ этсак, арзийди. Зулфия Юнусованинг ушбу шеъри айнан юқоридаги мавзуга бағишланган бўлиб, уни посбонларимиз қўшиқ қилиб куйласа бўлади.

## ЎЗБЕКНИНГ АЛП ЎҒЛОНЛАРИ

Жасорат умрига мезон азалдан,
Шаҳду шиддатига дунё берган тан.
Орияту виждони, иймони – Ватан,
Чақмоқдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

Темур авлоди у – мақоми юксак,
Ватан чорловига марду шерюрак.
Алплар майдонида енгилмас билак,
Маёқдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

Ўзига бек эрур – маслаги улуғ,
Боболари янглиғ сололгай довруғ.
Жаҳон майдонида қад ростлаган туғ –
Байроқдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

Аҳдида қатъий у, ҳам собитқадам,
Минг бир синовларда ялангтўш, бардам.
Элининг қаддини тутгувчи маҳкам –
Белбоғдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

Бу кун сарҳадларда олмос қалқон у,
Ватан ҳурлигига пўлат қўрғон у.
Элига беназир ёвқур посбон у,
Чўнг тоғдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

Улуғ аждодлардан келган бу шуур –
Бу юртнинг эрлари ҳамиша мағрур,
Ҳамиша нор бўлгай, ҳамиша жасур,
Чақмоқдир ўзбекнинг алп ўғлонлари.

ТРАДИЦИИ

## ЗАЖИГАТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО ТАНЦА

Плавный и спокойный, искрометно стремительный – таков узбекский танец, насчитывающий многовековую историю и традиции.

Древность узбекского танцевального искусства, богатство и разнообразие его форм, видов, жанров во многом объясняется тем, что наши предки были связаны с земледелием и ремесленничеством, городской культурой. Уже во времена «Авесты» (VII век до н.э.) – этой священной книги зороастризма, ставшей основой многих театрально-зрелищных представлений, – танцевальное искусство сформировалось как самостоятельный жанр. С этого периода его развитие идет по двум направлениям – народному и профессиональному. Во времена Греко-Бактрийского царства оно выступало на равных с искусством древней Греции, Византии, Индии и Китая.

С развитием городской культуры танцевальное искусство Турана становится все более содержательным и многообразным. В него входят танцы семейно-бытовые и обрядовые, исполняемые на площадках и во время различных праздников, таких, как Навруз.

Во времена Кушанского, Согдийского, Хорезмийского царств мастера этого жанра не раз сопровождали торговые караваны по Великому шелковому пути, восхищая своим искусством жителей Китая и Индии, Египта и Сирии, Греции и Рима. Все это обогащало культуры Востока и Запада.

Расцвет танцевального искусства Мовароуннахра приходится на IX – XII века новой эры.

Как писал средневековый историк Абул Фазл Бейхаки, в одном лишь Термезе в этот период жили сотни музыкантов и мастеров танца. Причем среди них было немало танцовщиц, исполнявших танцы с открытым лицом. Танцевальное искусство было также широко представлено в Самарканде, Бухаре, Гурганже, Кеше. А в Хорезме во времена правления Абул Аббоса Маъмуна (1003–1017 гг.) этому жанру уделялось особое внимание.

Дополнительный импульс танцевальное искусство получает в период правления Амира Темура и Темуридов. Столица империи – Самарканд – становится не только центром науки и образования, но и различных жанров искусства. Сюда приезжают музыканты, актеры, мастера танца со всего мира. Это ведет к дальнейшему обогащению местной культуры.

С распадом империи Темура и появлением самостоятельных государств – Бухарского эмирата, Хивинского и Кокандского ханств – раскол произошел и в культуре. Начали формироваться бухарский, хорезмский и ферганский стили в искусстве танца. Это деление сохранилось до наших дней. К примеру, для ферганского танца характерна свободная постановка корпуса с еле заметным наклоном вперед. Легкая и выразительная походка, отточенные движения рук, кистей и пальцев, которые несут большую смысловую нагрузку.

Бухарский же танец отличается широтой движений и гордой осанкой танцующих. В нем обязательны сложные вращения танцовщицы или танцоров вокруг своей оси и по кругу. Еще один характерный штрих – мелкие подрагивания верхней части тела.

А вот у хорезмийцев в танце участвует весь корпус и плечи. Очень выразительные движения кистей рук. Для мужчин во время танца характерна игра мускулами, как символ мужества и решительности. Хорезмские танцы, кроме того, отличаются наибольшей мимикой.

Конечно, все эти элементы не отгорожены друг от друга, а тесно переплетены. В различных интерпретациях они присутствуют в бухарских, хорезмских и ферганских танцах. Для современной узбекской танцевальной культуры наиболее характерны традиционный и народно-сценический танцы, отдельные элементы которых были и в прошлом, когда мастера этого жанра выступали на специальных подмостках и террасах. Как самостоятельный вид народно-сценический танец зародился в XX веке. Он быстро развивался благодаря усилиям таких замечательных деятелей культуры, как Хамдамхон, Усто Алим Камилов, Тамара-Ханум, Мукаррам Тургунбаева, многих других мастеров, ансамблей «Бахор», «Шодлик», «Лазги»...



ТЕСТ

## МУРОСАЮ МАДОРА... СИЗ БУНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА УДДАЛАЙСИЗ?

**Кишилар билан муомала қилиш сиз учун қийинчилик туғдирмайдими? Одамлар билан тез келишиб кетасизми? Муросаю мадора қила оласизми? Сиз буни қай даражада уддалайсиз? Ушбу саволларга жавоб топиш учун қуйидаги тестни ечишни таклиф этамиз.**



**1. Жамоат транспортида тўсатдан жанжал бошланиб қолди, сиз...**

а) аралашмайсиз;

б) ҳақ деб ҳисоблаган тарафингизнинг ҳимояси учун ўртага фақатгина бир-икки оғиз гап ташлаб қўясиз;

в) жанжалга аралашиб кетасиз.

**2. Мажлисда раҳбариятни танқид қиласизми?**

а) йўқ;

б) жиддий асос ва исбот бўлсагина танқид қиласиз;

в) нафақат раҳбариятни, балки уни ҳимоя қилганларни ҳам арзимаган сабаблар билан танқид қиласиз.

**3. Дўстларингиз билан тез-тез баҳслашиб турасизми?**

а) агар улар салга хафа бўлавермайдиган кишилар бўлса баҳслашасиз;

б) принципиал масала устидагина баҳслашасиз;

в) баҳс – менинг жону дилим.

**4. Узундан-узун навбатда турибсиз. Четдан кимдир келиб, навбатга суқилиб кирса, қандай йўл тутасиз?**

а) жаҳлингиз чиқади, лекин индамайсиз;

б) танбеҳ берасиз;

в) олдинга ўтиб олиб, навбатни тартибга солиб турасиз.

**5. Уйда олдингизга тузи кам таом қўйдилар, сиз...**

а) арзимаган нарса учун жанжал кўтармайсиз;

б) жимгина туздонни оласиз;

в) аччиқ танбеҳ берасиз, ҳатто дўқ уриб, таомни ейишдан бош тортасиз.

**6. Агар кўчада, транспортда оёғингизни босиб олишса, сиз...**

а) ўша кишига бир ўқрайиб қўясиз;

б) секингина танбеҳ бериб қўясиз;

в) бақир-чақирнинг каттасини қиласиз.

**7. Яқинларингиздан бири сиз учун ўзингизга ёқмаган бирор нарса сотиб олибди. Сиз...**

а) индамай қўя қоласиз;

б) ёқмаганлигини «қоғозга ўраб» айтасиз;

в) жанжал кўтарасиз.

**8. Лотереяда омадингиз келмади, сиз буни қандай қабул қиласиз?**

а) ўзингизни омадсизликка эътибор бермагандай бепарво тутасиз, лекин ичингизда бошқа лотерея ўйнамасликка ваъда берасиз;

б) аламингизни бекита олмайсиз, лекин омадсизликдан тушкунликка тушмайсиз, ютмагунча ўйнайверасиз;

в) узоқ вақтгача кайфиятингиз бўлмайди.

**Энди балларингизни ҳисобланг: ҳар бир «а» жавобга 4 балл, «б» жавобга 2 балл ва «в» жавобга 0 балл беринг.**

**22 баллдан 32 баллгача.** Сиз «нозик» вазиятлардан усталик билан чиқиб кета оласиз. Аниқроғи, тинчликсевар, сулҳпарвар кишисиз. Мушкул, кескин вазиятлардан қочасиз. Ихтилоф келиб чиқмаслиги учун адолатсизликларга ҳам «кўз юмиб» кетасиз. «Ҳақиқат қарор топиши керак» деган шиорга амал қилмайсиз. Сабаби қарама-қаршиликлардан қочиш. Балки шунинг учун ҳам кишилар сизни «вазиятга қараб ўзгариш»да айблашса керак. Бу даражада журъатсиз бўлманг. Бир оз дадил бўлинг. Агар вазият талаб қилса кишилар билан юзма-юз баҳслашинг.

**12 баллдан 20 баллгача.** Сиз ихтилофларга борасиз. Лекин бўлса-бўлмаса жанжаллашавермайсиз. Фақатгина бошқа йўл қолмагандагина баҳслашасиз. Ўз фикрингизда қаттиқ турасиз. Қарашларингизни қаттиқ ҳимоя қиласиз, гарчи кейин бу муносабатлар ёмонлашишига сабаб бўлса ҳам. Шунинг учун ҳам маслаҳатимиз, боадаблик чизиғидан чиқманг. Хушмуомалали бўлинг. Ана шундагина ҳурматингизни сақлайсиз.

**10 баллгача.** Сиз баҳссиз яшай олмайсиз. Ўзгаларни танқид қилишни яхши кўрасиз. Лекин сизни танқид қилишса, сиз уларни «бир ямлаб ютиш»га тайёрсиз. Сизнинг «танқидингиз танқид учун»дир, иш фойдаси учун эмас. Сиз билан муносабатда бўлиш қийин. Жиззакилигингиз, оғир ва босиқ эмаслигингиз, қўпол муомалангиз одамларнинг сиздан узоқлашишига сабаб бўлади. Ҳатто яқинларингиз учун ҳам сиз билан муносабатда бўлиш мушкул. Шунинг учун ҳам балки чин дўстингиз йўқдир. Хулоса шуки, бундай хулқ-атворингизни ижобий томонга ўзгартиринг.

**Ойдин САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### 18 ЙИЛ ТИККА УХЛАБ

85 ёшида вафот этган машҳур йога устаси Майжи Гири умрининг охирги 18 йилини фақат оёқда ўтказган. Ҳатто ухлаганда ҳам ётмаган, яъни тик турган ҳолда йиқилиб тушмаслик учун дарахт ёки махсус ясалган «девор»га суянганича ухлаган.

### ЭНГ ҚАДИМГИ МАКТУБ

Эронлик қадимшунослар қидирув вақтида энг қадимги севги мактубини топишди. Маълум бўлишича, милоддан 2200 йил муқаддам бир йигит ўз маъшуқасига севги изҳор этиб, хат ёзган. Лекин бу дил розини севгилиси ўқиганми-ўқимаганми номаълум. Ахир у 16 килограмм келадиган тошга ўйиб ёзилган-да.

### 90 ЁШИДА – ИМТИҲОН

Англиялик Женни Витериж «Ўқишнинг кечи йўқ» деган иборани яна бир бор исботлади. У 83 ёшида чет тилларни ўрганишга киришиб 7 йилда, яъни 90 ёшида немис, француз, итальян ва испан тилларини ўрганиб, муваффақиятли имтиҳон ҳам топширди.

### ЯПОН ТИЛИНИ ҚАЕРДАН ЎРГАНДИ?

Американинг Сидар Рапидс шаҳрида яшовчи эр-хотин Дэйв ва Элла Каммингслар жуда бахтиёр эдилар. Негаки, оилада фарзанд – Чарльз туғилган эди. Бироқ унинг тили нафақат ота-онасини, балки қўни-қўшниларни ҳам ҳайратда қолдирди.

Сабаби, Чарльз инглизча гапирмади. Унинг гапларини ота-онаси ҳам, қўшнилар ҳам тушуна олишмади. Бироқ у қайсидир тилда бинойидек гапирарди. Бундан хавотирланган Дэйв ва Элла мутахассисга учрашди. Буни қарангки, бола япон тилида гапирмоқда экан. Қизиқ, у инглиз оиласида туғилган бўлса ва ўша оилада тарбия олаётган бўлса, қандай қилиб миясига япон тили «сингиб» қолган? Бунга ҳеч ким аниқ жавоб беролмади. Аммо шу нарса аниқки, улар 9 йил аввал Японияда яшашган, лекин у ерда фақат инглизча гаплашишган. Бунинг устига бу пайтда Чарльз туғилмаган эди...

**Саида ЖАББОРОВА тайёрлади.**

## АДАБИЁТ. САНЪАТ. МАДАНИЯТ

Ўзбек киноси



# «НОМУС»

Яқинда республикамиз кинотеатрларида намойиш этила бошлаган бу фильм бугунги давр воқеийлигини ўзида акс эттира олганлиги боис ҳам айни пайтда киноишқибозлар эътиборини қозонмоқда. Муҳаббат ва ҳижрон, сахийлик ва бахиллик, садоқат ва хиёнат, севинч ва ўкинч, ҳушёрлик ва ғафлат каби инсоний туйғулар ушбу фильм қаҳрамонлари образи мисолида кадрга кўчган бўлиб, уларни маромига етказишда истеъдодли актёрлар –Беҳзод Ҳамроев, Раъно Зокирова, Маҳмуд Исмоилов, Фотима Режаметова, Гулхумор Абдуллаева, Бобур Арслоновлар меҳнатини алоҳида таъкидламоқ лозим.

– Фильмни яратишда ижодий жамоамиз билан бирга анча тер тўкишимизга тўғри келди, – дейди картина продюссери ҳамда бош қаҳрамони Малика Ҳусаинова. – Ўзингизга маълум, бугунги замон томошабинининг диққатини экранга жалб қилиш жуда қийин. Биз буни инобатга олган ҳолда, сценарий муаллифи ва режиссёр Ҳилол Насимов билан ишлаш жараёнида инсоннинг ички дунёсини янада ёрқинроқ очиб беришга ҳаракат қилдик. Ўз ўрнида фильм муваффақияти учун актёрларимиз маҳорати ҳам анча қўл келди. Санъат – бу гўзаллик дегани. Гўзал манзара ҳеч қачон инсонлар назаридан четда қолмаган. «Номус» фильмидаги кадрларда гўзал диёримизнинг бетакрор табиати ўрин олгани ҳам асар баҳосини янада оширган.

Фильм қаҳрамонлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, Малика Ҳусаинова талқинидаги Асал образи беихтиёр кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортади.

Ўқимишли, дунёқараши кенг бўлган Асал ўзига тўқ оилада камолга етган. Боз устига уни ҳамиша ҳимоя қилгувчи, жони дилидан севгувчи Акмал (Бобур Арслонов) ҳар он, ҳар дақиқа ёнида. Уларнинг севгиси барчанинг ҳавасини келтиради. Лекин бойликка, ҳирсга ўч Акмалнинг отаси ёшларни бундай бахтдан мосуво қилади. Ўғлига Асал қўлдан чиқмаслиги учун ҳар қандай риёкорликдан тоймасликни буюради. Ўзи эса дўсти йўқлигидан фойдаланиб, бўлғуси қудасининг ётоқхонасига киради… Бундай ҳолатда хиёнаткор дўстини кўрган Асалнинг отаси унинг ҳаётига нуқта қўяди ва қамалади. Асал эса бу машъум воқеалардан сўнг Комрон исмли йигитга турмушга чиқади. Бу билан қизнинг ҳаёти бир текисда кетмайди. Собиқ севгилисининг «айби» билан қиз яна маломатга қолади…

Мана шундай воқеалар ривожида асар кулминацион нуқтага чиқади. Томошабин қалбини жунбушга келтиради.

«Номус» фильми ўзбек киносида ўз ўрнини яратишга интилаётган ёш, шижоатли қиз Малика Ҳусаинованинг иккинчи катта ижодий ишидир.

– Дастлаб Ҳилол ака билан «Ягона ва бетакрор» фильмини суратга туширдик, – дейди Малика. – Бу мен учун синов жараёни эди. Ўзимдаги камчилик ва нуқсонларни бартараф этиб, «Номус» картинасини суратга олишга киришдим. Бу ижодий ишим мен кутган натижани берди.

Аслида мутахассислиги менежер бўлган бу ғайратли қизнинг катта куч билан кино саноатига кириб келиши дастлаб кўпчиликни ажаблантирган эди. Тинимсиз меҳнати самараси ўлароқ, энди у профессионал ижодкорлар назарига тушмоқда. Улкан орзулар оғушида кино оламида ижод қилаётган Маликанинг келажак режалари бисёр. У ўзбек кино санъатини «Ҳолливуд» ёки «Болливуд» киносаноати даражасига кўтарилишида ўз ҳиссасини қўшишни хоҳлайди.

**Холида БЕКНАЗАРОВА.**

# «КУЛИБ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚ»




Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлигида бўлиб ўтган тақдимот маросимида яқиндагина дунё юзини кўрган «KINDER-PRESS» болалар маърифий-ҳажвий комикслар журналига ана шундай таъриф берилди. Журнал ўзининг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятларига кўра Ўзбекистондаги оммавий ахборот воситалари сафидан ўрин олишга муносиб нашрдир. Ушбу нашр республикамизда илк бор комикс жанрида, ўзбек ва рус тилида муштарак мазмунда чоп этилмоқда.

Журнал таркибидан алоҳида мустақил нашр сифатидаги митти китобча ўрин олган. Бундан ташқари ўйинчоқ-саҳифа мавжуд. Болалар уни мустақил равишда йиғишлари мумкин.

Журналнинг биринчи сонини муомалага чиқариш 2006 йилнинг май ойига мўлжалланган бўлиб, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланади.

Болаларга ахборот ҳажвий-ўйин шаклидаги комикслар жанрида етказиб берилади. Компьютер сабоқлари мунтазам бериб борилади.

«KINDER-REKLAMA» ва «KINDER-ANTIREKLAMA» рукнларидан соғлом турмуш тарзига бағишланган, саломатликни асрашга йўналтирилган маълумотлар, маслаҳатлар ўрин олган. Халқ эртаклари ва афсоналари, машҳур адиблар асарларидан, жаҳон адабиёти дурдоналаридан лавҳалар берилиб, уларни «Сенинг ижодинг» рукнида мустақил давом эттириш болалар эътиборига ҳавола қилинади. Бу, албатта, болаларнинг ижодий салоҳиятлари ривожланиши, дунёқарашлари ўсишига ёрдам беради.

Болалар ўзларининг турли йўналишдаги ижодлари, чизган расмлари билан журнал саҳифаларида иштирок этадилар. Муаллиф болаларга қалам ҳақи тўланади, ижодий ишлари эълон қилинган болажонларга журналнинг муаллифлик нусхаси бепул тақдим этилади.

Шунингдек, турли мавзулардаги болалар адабиёти намуналари журналнинг иловаси сифатида «KINDER-PRESS» кутубхонаси» туркумида алоҳида чоп этилади.

Журнал лойиҳаси ҳаммуассис Чўлпон номидаги нашриёт матбаа ижод уйи томонидан директор Абдуваҳоб Ярмуҳаммедов раҳбарлигида ташкиллаштирилди. Таъсисчиси – «TURON-IQBOL» МЧЖ.

Тақдимот маросимида мамлакатимизнинг таниқли ёзувчилари, шоирлар,ноширлар иштирок этдилар ва маънавий оламда катта янгилик бўлган болажонлар журналини табриклаб, унга оқ йўл тилашди.

Ушбу журнал юртимизнинг энг чекка қишлоқларида истиқомат қилувчи болажонларимиз орасидан ҳам ўз ўқувчиларини, ижодкорларини топа олади деб, умид қиламиз.

**Инобат ИБРОҲИМОВА,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Яхшилар ёди

# ҲУСАЙНИ УЗУМНИНГ СИРИ

Тоғлар узоқ-узоқлардан қараганда баланд, ҳайбатли бўлиб кўринади. Ҳар бир жойнинг ўз соҳиби бўлганидек, тоғ-тошларнинг ҳам ўз эгалари бор, улар шубҳасиз бургутлардир. Бургут. Бу ном кишига улуғвор тоғларни, қояларни эслатади. Мана шундай жойларни макон қилган бургутлар ўзига хос ҳаёт кечиради. Бургут ўз номи билан бургут. Унинг энди тухумдан чиққан жажжи боласи ҳам бу номга лойиқ бўлиб улғаяди. Бунинг учун уни дастлабки синов кутади, яъни онаси уни ўз чангалидан қоялар устига ташлаб, парвоз қилдиради, буни уддалай олсагина, ҳақиқий бургутлар сафидан жой олади, ўз ўлжасини ўзи топиб ейди. Агарда уддалай олмаса, тошларга урилиб, чилпарчин бўлади. Бунинг боиси шуки, ҳақиқий бургут ўзининг биринчи уринишидаёқ маълум бўлади, нимжон касалмандлари эса бу дунёда эмаклаб, бошқа жонзотларга ем бўлиб юрмаслиги учун худди ўлими яқинлигини сезган бургут ўзини қояларга уриб ҳалок қилгани каби у ҳам бу дунё билан хайрлашади. Бу бургутона ҳаёт тарзидир. Худди шу маънода, инсон ҳам ўз номига муносиб бўлмоғи, ҳалол ва мазмунли умр кечирмоғи лозим.



Халқимизнинг «ёмоннинг яхшиси бўлгандан, яхшининг ёмони бўл» деган ҳикмати бежиз айтилмаган. Виждонсизлик, ёлғончилик, ҳасадгўйлик билан бирор нарсага эришиб бўлмаслиги бот-бот исботланганидек, одамларга яхшилик қилиш, ўзига маъқул келмаган нарсани бировга ҳам раво кўрмаслик алоҳида қадрланади.

Хуллас яхшидан яхшилик, ёмондан ёмонлик қолади.

Самарқанд нони, Қува ва Дашнобод анорлари, Хоразм қовуни ва нашватиси, Паркент узуми, Наманган ва Бахмал олмаси, Ғиждувон кабоби, Сариқўрғон анжири, Нурсўх узуми, Олтиариқ турпи ва бодринги… Буни яна давом эттирса бўлади. Бири-бирини такрорламайдиган бу ноз-неъматлар ўзига хос таъми, жозибаси билан неча йиллардан буён эл орасида машҳур бўлиб келади. Самарқанд вилоятининг чекка қишлоқларидан бири – «Жом»да Эштурди бобо (марҳум) етиштирган узумлар ҳам шулар жумласидандир. Унинг боғида узумнинг ҳусайни (2 тури мавжуд: оқ ва қора ҳусайни), оқ кишмиш, қора кишмиш (шибирғон ҳам дейилади), даройи (чилги), тойфори ва Ризамат ота (қишлоқ одамлари туятиш ҳам дейишади) навлари етиштирилади. Айниқса ҳар бир донаси бош бармоқдек келадиган ҳусайни шу қадар ширин бўладики, ҳар қандай одам унинг ўн-ўн беш донасинигина ея олади, шундан сўнг томоғини шира қоплайди. Ҳусайнининг бу қадар ширин бўлишига лол қолган одамлар орасида ҳатто миш-мишлар ҳам тарқалган. Эмишки, «Эштурди бобо узумлари пишишидан қирқ кун олдин катта қозонни сувга тўлдириб, 10-15 кг новвотни унда эритиб ҳосил бўлган эритмадан ҳар бир токнинг томирига қуйиб чиқармиш, шунинг учун узумлари болдан ҳам ширин, таъми еган одамнинг оғзида умрбод қолармиш…»

Лекин махсум бундай қилмасди, ҳар йили бир-икки марта ўғит солар, вақтида суғорарди, хуллас бор меҳрини бериб, узумларини парвариш қилар, эрта-кеч токзор ичра кезиб, улар билан қалбан тиллашарди. У ҳамиша: «ерни алдамаслик керак, шунда ер ҳам алдамайди, бир ишни қилмоқчи бўлсанг, чини билан қилгин, қўл учида, хўжакўрсинга қилинган иш – ярамас ишдир», дея таъкидларди. Ўзимча бобо токзорларга, ерга бор меҳрини бергани учун ҳам узумлар болдек ширин бўлган, деган хулосага келаман.

Боғ йўл ёқасида жойлашган бўлиб, пишиқчилик кезларида



бобонинг йўлдан ўтаётган йўловчиларга тугунчага 4-5 бош узум солиб бериши доимий одатда айланганди. Нафақат қишлоқ аҳли, ҳатто узоқ сафардан қайтаётган қўшни қашқадарёликлар ҳам махсумнинг бу одатини яхши билиб, йўлда бир тўхтаб, узум олиб кетишарди. Лекин серҳосил боғнинг узуми сира камаймайди.

Бобо ўз қўллари билан эккан, пешона тери билан сават-сават, челак-челак узумлар етиштирган ўша боғ ундан авлодларга эсдалик бўлиб қолди. Фарзандлари, невaралари, қолаверса қўни-қўшнилар ёзда узумидан, қишда эса майизидан ҳузур қилишади. Хизр назар солган бу боғ ҳали ҳам худди шундай мўл-кўл ҳосил беради. Камина ҳам ёз ойларида Тошкентдан қишлоққа борганимда ўша боғдан маза қилиб узум ейман.

Яхшидан боғ қолади… деб шуни айтсалар керак-да. Вақтингиз бўлганда, сиз ҳам ўтинг, таъми оғзингизда қолади.

**Раимқул ШОЙИМҚУЛ.**

# CHO'PON BILAN QIZ

## (O'zbek xalq ertagi)

**(Davomi. Boshi gazetaning 15-sonida).**

Podsho:

– Assalomu alaykum, – deb chodirga kiribdi. Ular ham "Vaalaykum assalom!" – deb javob qaytarishibdi va podshoni yaxshilab ziyofat qilishibdi. Podsho qizga oshig'-u beqaror bo'lib, uylanmoq niyatiga tushibdi. Yigitning mollariga ham ko'z olaytiribdi. U, shart qo'yib yigitning mollarini yutib olmoqchi bo'libdi:

– O'g'lim, ikkalamiz shart o'ynaylik, – debdi podsho yigitga.

– Nimadan shart o'ynaymiz? – debdi yiqit.

– Birimiz uch marta bekinamiz. Kimda-kim topib olsa, butun mol-u dunyosini berish, – debdi podsho.

– Agar meni yutib olsang, podsholigimdan tortib, hamma boyliklarimni beraman. Agarda men seni bekingan joyingdan topib olsam, butun mol-mulking, joying va xotining mening ixtiyorimga o'tadi.

Yigit rozi bo'libdi. Podsho uyiga qaytibdi. Ertasiga podsho yigitning uyiga yo'l olibdi. Yigit qarasa, podsho kelayotgan emish. Yigit: "Xotin, xotin, endi nima qilamiz, podsho kelayotibdi-ku!" – debdi. Xotini darrov yigitni bilaguzukka aylantirib, qo'liga taqib olibdi. Podsho kelib, yigitni qidirib topolmabdi. Qiz oshni pishirib, podshoning qo'liga suv quyayotganida, podsho:

– Mayli, yigit chiqaversin, uni topolmadim, – debdi. Yigit qizning qo'lidan: "Assalomu alaykum", deb tushib kelibdi. Oshni yeyishibdi. Ertasi podsho yana kelibdi. Qiz joylarni rostlab, ko'rpachalar solib, yigitni bolish qilib qo'yibdi. Podsho kelgach, orqasiga qo'yibdi. U yana yigitni topa olmabdi. Podsho qizga qarab:

– Mayli, yigit chiqaversin, – debdi. Yigit podshoning yonboshini ko'tarib o'rnidan turibdi.

Uchinchi kuni qiz yigitni oftoba qilib qo'yibdi. Podsho kelib uchinchi marta ham topa olmabdi. Qiz osh qilib, oftobada podshoning qo'liga suv quyibdi. Podsho diqqat bo'lib:

– Mayli, yigit chiqaversin! – debdi. Oftoba bir yumalab yigitga aylanib, podsho bilan birga o'tirib osh yeyaveribdi.

Podsho ertasiga yiqitni o'z uyiga chaqirib ketibdi. Yigit ertalab podshoning saroyiga jo'namoqchi bo'libdi.

– Boraverishingizda katta darvoza bor. Shu darvozaning ikki qanotida uchtadan oltita it bor. Ularning hammasi qora, biroq bittasining peshonasida qashqasi bor. Ana shu itni ushlang! – debdi qiz. Yigit borsa, qiz aytganidek, darvozaning ikki qanotida itlar turibdi. Yigit hech qo'rqmasdan borib itni ushlab:

– Turing, podshohim! – debdi. Podsho iqror bo'lib, bir yumalab o'rnidan turibdi.

Ertasi yigit yana podsho saroyiga bormoqchi bo'libdi, qiz unga:

– Borasiz, to'g'ri ichkari uyga kirasiz, uning ham ichida yana bitta uy bor. Ana shu uyda qirqta qilichni terib qo'yishgan. Hammasi qora sopli, ammo bittasining sopi oq. O'shani ushlaysiz! – debdi. Yigit borib, xuddi qiz aytganidek oq sopli qilichni ushlabdi. Yigit uchinchi marta podshonikiga jo'nabdi. Xotini unga:

– Borasiz, yo'lda bir qamishzor uchraydi. Ana shu qamishlar hammasi oq, lekin bir to'p qamish yosh, ko'm-ko'k bo'lib turibdi, – debdi. – Agar qo'rqsangiz, men to'rg'ay qush bo'lib borib, o'sha qamishga qo'nib, sayrab turaman, siz o'sha qamishni ushlaysiz – o'sha podsho, – debdi.

Yigit to'qayga borsa, haqiqatan ham u yer qamishzor ekan. Bir vaqt "chur-chur" to'rg'ay ovozi eshitilibdi. Yigit ham yugurib borib, o'sha qush qo'ngan qamishni ushlab: "Turing, podshohim", – debdi.

Podsho o'rnidan turib, yigitning topganiga qoyil qolib, shartga ko'ra, butun davlatini, taxtini yigitga topshirmoqchi bo'libdi.

Yigit bunga ko'nmabdi. U podsholiklardan maysazordagi kapasi, qo'y-echkilarini afzal ko'ribdi.

U go'zal va dono xotini bilan uzoq umr ko'ribdi.

ТУҲФА



## ДИЙДОР МУРОД

Кичик сержант Муроджон Жўраев Сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олган. Айни чоғда Тошкент ҳарбий округида хизмат қилмоқда. У Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳарчаси «Қизилтоғ» қўрғонида 1981 йилда таваллуд топган. Умумтаълим мактабини тамомлагач, «Автомобиль йўллари назароти» касб-ҳунар коллежида ўқиган.

Шеъриятга ихлоси баланд. Ўзи ҳам шеърлар машқ қилиб туради.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф Муроднинг шеърларини ўқиб шундай деган: «Мол-дунё ўтади. Лекин дийдор ғанимат. Шунинг учун Дийдор Мурод тахаллуси сенга муносиб».

Биз Дийдор Муродга шеърият майдонида жавлон уришга оқ йўл тилаб қоламиз.

### ҲАРБИЙЛАР

**касбдошларимга бағишлов**

Сиз борсиз ошиқлар ёрга гул тутар,
Ҳар баҳор қирларни гулга белайди.
Бешикни қучоқлаб янги келинлар.
Худодан қўчқордай ўғил сўрайди…

Сиз борсиз осмоннинг рафтори тоза,
Қуёшнинг юзини босмагай тутун.
Сиз борсиз юради кўкда ой суза,
Ҳамманинг эртадан умиди бутун.

Қайсингиз огоҳдил, қайсингиз мерган,
Қадрингиз бебаҳо азиз ҳарбийлар.
Замона зайлига кафолат берган,
Ҳа, асил фидойи сизсиз ҳарбийлар.

Агарда чегара эгасиз қолса,
Деҳқоннинг тундаги ороми ёлғон.
Саҳар нонуштаси татимай зарра,
Шаксиз молин излаб кетади чўпон…

Кундузи беором, кечаси сергак,
Қадрингиз бебаҳо азиз ҳарбийлар.
Сайру ҳаловатдан кечган шерюрак,
Ҳа, асил фидойи сизсиз ҳарбийлар.
Мақоми улуғдир, хизмати улуғ,
Тўтиё саналсин босган изингиз.
Юрт деб жон тикканлар шарафи қутлуғ,
Эл олдида доим ёруғ юзингиз.

Ҳар қандай хатарга кўкрагин керган,
Қадрингиз бебаҳо азиз ҳарбийлар.
Қисматга фидолик бахш этган Эгам,
Ҳа, азиз фидойи сизсиз ҳарбийлар.

### ОРЗУ…

Мовий тоғлар орасида бир кулба бор,
Шу манзара қучоғига кетамиз ёр.
Ёлғон дунё афсонасин – маъноси шу,
Кел, берайлик муҳаббатга биз ихтиёр.

Қара ошиқ юлдузларни панноҳлари,
Қизармоқда гўзал ойнинг яноқлари.
Кўкка ирғиб ой юзидан бўса сўраб,
Бирам бўйичан чўққиларнинг дудоқлари.

Илҳом берар дилга чексиз адирлари,
Шовуллаган ўрмонининг шитирлари.
Табиатнинг илоҳий хуш қўшиғига,
Жўр бўлади қушлар чуғур-чуғурлари…

Нопокликлар йўқдир тоза муҳитида,
Номус баланд ҳар бир учган бургутида.
Одамлари фариштадир ғараз билмас,
Доим яшар эзгуликнинг ўгитида.

Қўҳна олам совуб қолмас тафтимиздан,
Дўст оҳулар сувлар ичсин кафтимиздан.
Бўғзимизда жон ҳапқириб танга сиғмай,
Шодланайлик ишқдан топган
бахтимиздан.

Мовий тоғлар ён бағрида бир кулба бор,
Шу манзара қучоғига кетайлик ёр…

### ЯХШИЛАР

Умидинг қолмаса зарра ҳаётдан,
Бир лаҳза сояси қўниб қаршилар.
Ўксиган қалбинга кириб тўсатдан,
Умид бахш этади сенга яхшилар.

Тақдир синовига битиб бардошинг,
Кўзинг булоғида қайнаса ёшинг.
Хизрдек йўлиқиб силайди бошинг,
Умид бахш этади сенга яхшилар.

**Кичик сержант Муроджон ЖЎРАЕВ.**

### ҚИШЛОҒИМ ТАЪРИФИ

Олма анор экилган,
Ҳар ҳовлида бор жийда.
Мендек шоир туғилган,
Бир қишлоқ бор водийда.

Ҳар гўшаси чаманзор,
Инсон қалбин яйратар.
Тер тўкиб қишлоқ аҳли,
Чин гўзаллик яратар.

Қайга боқманг гул-гулзор,
Узумзору, пахтазор.
Шундай макон, шундай жой,
Айтинг яна қайда бор?

Қизлари бор чиройли,
Йигит кўнглин ололган.
Юрагига оловли,
Муҳаббатни сололган.

Йигитлари паҳлавон,
Шерюрак, ботир ўғлон.
Тоғни талқон қилгувчи,
Ватан учун берар жон.

Кексалари ҳамма вақт,
Қўлин очиб дуога.
Канда қилмайин беш вақт,
Сажда қилар Худога.

Қишлоқ номи Хонқўрғон,
Ширкати Шарқ юлдузи.
Қишлоғим таърифига,
Етмагай инсон сўзи.

Бу сўзга ишонмаган,
Қишлоққа бориб кўрсин.
Унинг бор чиройига,
Ўзлари гувоҳ бўлсин.

**Оддий аскар Дилшод ИСОҚОВ.**

### ҚЎШНИ ҚИЗГА

Қўшни қизни кўрай деб,
Менга кўнглин сўрай деб,
Йўлида турибман зор
Мен унга ёр бўлай деб.

Бўйи бўйимга мосдир
Кўнгли кўнглимга мосдир
Юрагимдан берай жой
Мен сенга ёр бўлай деб.

Лаби пичирлаб қўйди
Бағри дилимни ўйди
Юрак ҳижрондан тўйди
Мен унга ёр бўлай деб.

Куйдирмажон қўшни қиз
Бойландим сенга ипсиз
Тинч қўймас юрак сенсиз
Мен унга ёр бўлай деб.

**Шуҳрат ТОИРОВ.**

### ОНА

Онажоним, чин меҳрибоним,
Сиз гулсизу мен-чи ғунчангиз.
Кўзларимнинг шамси, тобоним,
Кулиб турсин доим чеҳрангиз.

Жафокашим, муниса онам,
Бахтимизга бўлингиз омон.
Кўзларингиз кўрмасин ҳеч нам,
Кулиб юринг ҳар доим, ҳар он.

### ВАТАН

Ватаним мен сени ёниб куйлайман,
Бўйларингга ҳавас билан бўйлайман.
Сенга атаб шеърлар ёзиб тўймайман,
Онам каби бахтли онасан Ватан.

Тупроғинг азиздир, қумлоғинг азиз,
Чанг кўча бўлса-да, қишлоғинг азиз.
Сойларни тўлдирган булоғинг азиз,
Сен менга онасан, онажон Ватан.

Оллоҳнинг назари тушган Ватаним,
Бахту истиқболи жўшган Ватаним.
Заминга ол чирой қўшган Ватаним,
Онамдек меҳрибон онасан Ватан.

**Мунаввар ХОЛМУРОДОВА,**
**Қашқадарё вилояти**
**Дўрмон қишлоғи**
**5-синф ўқувчиси.**

